



2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

ЖАМИЯТ

№ 51
(969)
2025 йил
18 декабрь,
Пайшанба



ТИНЧЛИКНИНГ АСРОРИ БАҒРИКЕНГЛИКДА

Тинчлик, аҳиллик бор ерда кут-барака бўлади. Инсонлар ҳаётдан мамнун, турмушнинг камчилиги ва синовлари олдида сабр-бардош билан умр кечирадилар. Ҳеч ким тақдирдан нолимайди, чунки атрофда уни тушунган, хайрихоҳ инсонлар кўп. Аҳиллик, тотувлик ана шундай буюк неъмат.

Халқимиз азалдан бу буюк неъматни қадрлаб, кўз қорачиғи-

дек асраган. Дуоларимизда ҳам энг кўп “юртимизда тинчлик ва тотувликни бардавом қилгин” деган ниятлар сўралади.

Бир кун жанжал бўлган ердан қирқ кун барака кетади, деган мақолни билмаган, эшитмаган киши бўлмаса керак. Эсимизни танибмизки, шу мақол оилаларда тотувликни асрашнинг асосий шиори бўлиб келган. Ўзимиз

астойдил ишонган ушбу мақолнинг ҳаётдаги исботига ҳам кўп гувоҳ бўлдик.

Жамият ҳам улкан бир оила, унинг ҳар бир аъзоси эса ана шу оиланинг бир фарзандидек гап. Мамлакатдаги осойишта турмуш, барака ва ривож ҳам ана шу яқдил оиладек бўлган жамият аъзоларининг тотувлигига боғлиқ.

4 ➤



СОҒЛОМ МИЛЛАТ УЧУН МАСЪУЛИМИЗ

Бўй-басти келишган, қош-кўзлари ўзига ярашиб турган Чори Булатовга ўзгача ҳолатда дуч келганимизда, балки унинг жиноятчи эканлигига зинҳор ишонмаган бўлардик.

6 ➤



БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШАЁТГАН ДУНЁ



«МЕНИНГ БУ ИШИМ
ҚАЛОЛМИ?»

12 ➤

5 ➤



ПРЕЗИДЕНТ ҒОЯСИДАН ИЛҲОМЛАНГАН АСАР

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турган Ўзбекистон – янгилаштирилган, маърифат ва инсонпарварлик сари дадил қадам ташлаётган мамлакатдир. Бу жараённинг марказида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Учинчи Ренессанс” ғояси ётади. Ушбу ғоя нафақат миллий тикланиш, балки бутун инсоният учун маънавий уйғониш ва ҳамкорлик, маданий юксалиш концепцияси сифатида эътироф этилмоқда.

Яқинда нашр этилган “Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти” асари илҳом ва ишонч руҳи билан суғорилган муҳим меҳнат намунасидир. Асар муаллифи – покистонлик олим, ёзувчи ва журналист Муҳаммад Аббос Хон китоб қадим Мовароуннахрнинг буюк тарихини чуқур ўрганиш, шунингдек, юртимизда бугун содир бўлаётган асрларга татиғулик ўзгаришларнинг гувоҳи сифатидаги ҳулосалари асосида халқимиз келажагига ўзига хос ҳолис назар ташлашга уриниш эканини таъкидлайди.

Асарда асосий эътибор Ўзбекистоннинг замонавий оламдаги ўрни, мамлакатнинг маънавий ва интеллектуал тикланиш жараёни ҳамда “Учинчи Ренессанс” ғоясининг мазмун-моҳиятини илмий таҳлил қилишга қаратилган. Ушбу китоб олижаноб ва меҳмондўст ўзбек халқига нисбатан чуқур ҳурмат ҳамда самимий миннатдорлик туйғуларининг ифодаси сифатида миллатнинг бой маънавий мероси, илм ва маърифатга садоқати, инсонпарварлик, бағрикенглик ва адолатпарварлик анъаналарига бўлган юксак эҳтиромни ўз ичига олади.

Китобнинг бош ғояси – тарихни девор эмас, балки келажакка олиб боровчи кўприк сифатида кўришидир. Зеро, тарихдан илҳом олган, ўтмиш тажрибасини теран англаган миллатгина келажакни бунёд

этишга қодир бўлади. Шу нуқтаи назардан, асар ўқувчини маънавий мулоқотга, ижодий ҳамкорликка чорлайди.

Президент Шавкат Мирзиёев Жиззах вилоятининг гўзал ва тарихий Зомин туманида туғилиб ўсгани китоб муаллифи учун рамзий ва маънавий жиҳатдан алоҳида аҳамият касб этади. Зомин – асрлар давомида илм, маърифат ва ислом цивилизацияси тараққиётининг муҳим ўчоғи сифатида танилган маскандир. Бу заминда кўплаб улуг мутафаккирлар, уламолар ва маънавий пешволари яшаб, ўз илмий ва маърифий фаолияти орқали жаҳон тамаддунига муносиб ҳисса қўшганлар. Муаллифнинг фикрича, ана шу муқаддас муҳитда шаклланган маънавий фазо ва илмий анъаналар ёш Шавкат Мирзиёевнинг қалбида юксак орзулар, эзгу ғоялар ва мамлакатда Учинчи Ренессанс ғоясининг илҳом манбаи ва уни пойдеворини яратишга интилиш туйғусини уйғотган бўлиши табиийдир.

Асарда Шавкат Мирзиёевнинг қуйидаги сўзлари алоҳида таъкид билан келтирилади:

“Бизнинг аждодларимиз икки Ренессансга пойдевор қўйишган. Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш – Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айтиш ҳақиқат бўлади”.

Бу сўзлар, муаллиф таъбири билан айтганда, ўтмишга ҳурмат билан қараш ва келажакни ундан илҳомланиб барпо этиш зарурлигини ёрқин ифода этади. Учинчи Ренессанс ғояси айнан ана шу таъминлаган таянади: ўтмиш – зиддият эмас, балки келажакнинг маънавий пойдеворидир.

Китобни яратишга ундаган асосий омил – бу Ўзбекистон халқининг бой тарихи ва маънавий меросига бўлган чуқур ҳурматдир. Унинг фикрича, мамлакатнинг замонавий интеллектуал юксалиши нафақат миллий, балки умуминсоний аҳамиятга эга. Бу юксалишнинг илдизлари аждодлар қолдирган маданий-маърифий ва илмий меросда мужассам.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ҳақда шундай дейди:

“Буюк аждодларимизнинг бетақор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос бизга ҳамиша куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим”.

Бу сўзлар муаллифда чуқур таассурот қолдирган. Улар нафақат тарихга ҳурмат-эҳтиром ифодаси, балки келажакни яратишда аждодлар илмий-маънавий меросини таянч нуқта сифатида англаш зарурлигини кўрсатади. Бу – ўтмиш ва келажакни қарама-қарши қўймасдан, уларни бир бутун маънавий тизим сифатида уйғунлаштириш ғоясини ифодалайди.

Шу нуқтаи назардан, Президент Мирзиёевнинг стратегияси мил-

лий манфаат доирасидан ташқарига чиқиб, глобал аҳамият касб этмоқда. Унинг мазмуни – бошқа халқлар учун ҳам ибрат ва илҳом манбаи бўлувчи маданий, маънавий ҳамда илмий йўл-йўриқларни қайта тиклашга йўналтирилган.

Эътибор билан мушоҳада этилса, “Учинчи Ренессанс” ғояси инсонларни ҳамкорлик ва ишонч орқали билимга етаклайдиган, янги маънавий ва маърифий тараққиёт босқичига даъват этувчи умумбашарий ғоя сифатида намоён бўлади.

Муҳим жиҳат шундаки, “Учинчи Ренессанс” ғояси – ўз моҳиятига кўра, ҳамкорлик, маърифат ва ишонч инсоният фаровонлиги сари йўналтирувчи умумбашарий даъватдир.

“Ўзбекистон: Учинчи Ренессанс – тараққиёт концепти” асари шунчаки тарихий ёдномга эмас, балки амалий дастурдир – у миллатни билим, ижод ва ҳамжиҳатликка ундайди. Муаллиф ушбу ғоялар нафақат Ўзбекистон, балки бутун минтақада янги маънавий уйғониш сари етаклайдиган интеллектуал манифести сифатида эътироф этилаётганини таъкидлайди.

Покистонлик муаллифнинг қаламига мансуб бу китоб Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотларнинг маънавий ва фалсафий заминини чуқур очиб беради. Асар ўқувчини ўтмишдан илҳом олиш, келажакни эса ҳамкорлик, тинчлик ва маърифат йўлида барпо этишга даъват этади. Бу – икки қардош халқнинг умумий ренессанс сари қадам қўйишини рамзий тарзда ифода этувчи асардир.

Авазбек ХОЛБЕКОВ,
Барқарор ривожланиш
маркази эксперти



ОВҚАТГА ҚИЗИҚҚАНДЕК ИЛМГА ИНТИЛСАК, ҚАНИЙДИ

Эътибор берилса, сўнгги пайтларда пул учун ким тезроқ ва кўпроқ ейиш мусобақалари авж олди. Эркаклар майли, аёллар ҳам кучли жинс вакилларида қилишмасликка уринишяпти. Лекин оғизни тўлдириб, кавшанаётганлар кўнглингизни беҳузур қилади.

Очкўзликни шоуга айлантириш, «ғолиб» ни қаҳрамон сифатида кўрсатиш – хавфли анъана. Келинг, ижтимоий тармоқларда бошқа миллатлар нима билан мақтанаётганига диққатимизни қаратайлик;

1. Японлар – робототехника, нейророботика, соғлом кексайиш физиологияси
2. Немислар – муҳандислик аниқлиги, замонавий тиббий асбоблар, индустрия, автопилот тизимлари
3. Жанубий Корея – яримўтказгич технологиялари, биочиплар, 6G интернет
4. Америкаликлар – сунъий интеллект, CRISPR ген таҳрири, тиббий роботлар, космическ телескоплар.
5. Хитойлар – квант алоқа, сунъий қуёш (термоядро), сунъий интеллект шаҳарлари.
6. Фаранглар – ядро энергетикаси, космическ йўлдошлар, онкопротоколлар, геном лойиҳалари..
7. Британия – биомедицина, эпидемиология, геном лойиҳалари,
8. Швейцария – фармацевтика, юқори аниқликли диагностика

Тўғри – очкўзлик (overeating) мусобақалари Европа ва Америкада ҳам бор. Фарқи шундаки, улар кўпинча экстрим-шоу сифатида кўрсатилади ва жамиятда кескин танқид ҳам қилинади. Масалан, Нью-Йоркда ўтказиладиган «Nathan's Hot Dog Eating Contest» мусобақаси (10 дақиқада энг кўп хот-дог ейиш) дунёдаги энг машҳур мусобақалардан бири бўлсада, АҚШ тиббиёт жамияти томонидан кескин танқид қилинган.

АҚШ ва Италияда ўтказиладиган «World Pizza Eating» Championship (30–40 дақиқада улкан пиццаларни ейиш) «Шоу» сифатида эфирга чиқсада, семизликни тарғиб қилади деб баҳоланган.

«Pie Eating Contest» (Британия, қўлсиз пирог ейиш) фестивали кўнгли айланиши ва нафас йўлларига пирог тикилиши билан фожеали тугагач ўтказилмай қўйилди.

Бироқ, муҳим фарқ нимада?

Бу мусобақалар кўп ҳолда тиббий ва ахлоқий танқидга учрайди. Давлатларнинг соғлиқни сақлаш вазирликлари кескин баёнотлар билан чиқишади. Айрим давлатларда очкўзлик мусобақалари аллақачон тақиқланган. Тараққий этган жамиятларнинг қаҳрамони – олимлар, юлдузлари – ихтирочилардир. Очкўзлик эса – шоу холос.

Ўзбекистон Америка, Европа давлатлари каби бой эмас. Қазм-қартали, сергўшт паловни ойда, йилда бир ейдиган оилалар ҳам бор. Таомни чўчкадек ейиш аввало ўз саломатлигига нисбатан хурматсизлик, бошқаларга нисбатан беадаблиқдир.

Бу – интеллектуал қашшоқлашув, ёшларга нотўғри намунадир. Энг ёмони, болалар очкўзликни «қаҳрамонлик» сифатида кўряпти.

Келинг, ўрни келганда бу каби мусобақаларнинг соғлиқ учун зарарлари ҳақида гапирайлик.

Ортиқча овқатланиш ошқозон-ичак касалликлари, семизлик, инсулин резистентлиги, қандли диабет, юрак-қон томир касалликлари, жигар ёғланишига олиб келади. Тез ва кўп ейиш эса ошқозон ёрилишига, қон босими ошишига, тўсатдан ўлим хавфига олиб бориши мумкин. Овқатга қизиққандек илмга интилсак, қанийди. Ахир, бу юрт Ибн Сино, Беруний, Мирзо Улуғбек, Навоий каби даҳоларни берган. Бас шундай экан, бизга илм билан мақтаниш, ақл билан рақобат қилиш ярашади.

Муаззам ИБРОҲИМОВА

АНДИШАНИНГ ОТИ ҚЎРҚОҚ...МИ?

Яхши реклама ҳар доим ҳам сифатли хизмат, дегани эмас. Бугунги ахборот тарқатиш воситалари кўпайган замонда бирорта реклама бергич масъулиятни бўйнига олмайди. Мабодо ўша хизматлари таклиф қилинган компания, оддий қилиб айтганда, қовун тушириб қўйса оғзидан бол томиб мақтаганлар елка қисади, эртасига яна рекламага зўр беради.

Охирги пайт яхши бўлди, Ўзбекистонда ҳам авиакомпаниялар кўпайди, рақобат пайдо бўлди, дегандик. Афсуски, улардан бири «Centrum air»да на масъулият бор, на жавобгарликни ҳис қилиш.

Узр. Муддао бироз чўзилиб кетди. Ўша компания билан ҳамкорликда очилган турфирма Умра зиёратига 250 нафарга яқин зиёратчиларни юбориш учун 13 декабр куни 23:00 га аэропортга чақиришади. Рейс Тошкент вақти билан 04:30 да. Бироқ, асосан ёши улуг отахон ва онахонлардан иборат гуруҳ қарийб 13 соатдан кейин, яъни 17:10 учиб кетишди.


Нима қипти, ой, йилда бир шунақа бўпти дерсиз. Афсуски, бу авиакомпания билан содир бўлаётган биринчи ҳолат эмас. Энг қизиғи, шу муддат ичида авиакомпаниянинг бирорта вакили келиб ёки расмий саҳифаси орқали узр сўраш у ёқда турсин, ҳатто, изох бермади. Қанчадан кейин рейс амалга оширилиши, сабаби ҳақида гапирмади. Ҳар доимгидек андишали одамларимиз гапира-гапира ўша учоқда 13 соатдан кейин учиб кетишди.

Нима ҳам дердик, ҳамма жойга реклама жойлаштириб, пул сарфлагунча хизмат сифатини яхшила дейдиган одам йўқ.

Андижонлик футбол мухлислари «Қоч анжанликлар келди» деб ҳайкирганда биров қочган қочмаганлигини билмадиму, аммо «Centrum air»дан аниқ қочиш керакка ўхшайди.

Нурали ОРИФ,
журналист





ТИНЧЛИКНИНГ АСРОРИ БАҒРИКЕНГЛИКДА

«1 Бугун юртимизда ҳукм сураётган миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик асрлар давомида шаклланган маданият ва кадриятлар самарасидир.

Ўлкамиз қадимдан турли маданият, цивилизация ва динлар туташган чорраҳа бўлиб, буддавийлик, насронийлик, ислом ва бошқа динлар вакиллари бир-бирлари билан тотув яшаган. Шу боисдан ҳам бағрикенглик, ўзаро ҳурмат ва дўстлик ғоялари халқимизнинг тафаккурига чуқур сингиб кетган.

Зардуштийликка оид ноёб топилмалар эса бу заминда дин тарихи, маданият ва илм-фан тараққиёти узок ўтмишга бориб тақалишидан дарак беради. Шу учун ҳам бу заминда ҳамisha маърифат жаҳолатдан устун бўлган.

Шуни ҳам алоҳида ифтихор билан айтиш мумкинки, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Абу Мансур Мотуридий, Абу Муин Насафий, Қафғол Шоший, Абдуллоҳиқ Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хўжа Аҳрор Валий, Бурҳониддин Марғиноний, Маҳмуд Замахшарий каби уламоларимиз ислом маърифати, маданияти ва фикр илми ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Бугун Ўзбекистон ислом моҳиятини замонавий талкида тарғиб этиш, унинг асл моҳиятидан келиб чиқиб, мамлакат ва халқаро майдонда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувликни мустаҳкамлаш борасида чинакам ибрат намунаси бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ҳамда “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонун бу соҳада мустаҳкам ҳуқуқий асос сифатида хизмат қилмоқда.

Шу билан бирга, Давлатимиз раҳбари томонидан миллатлараро тотувлик ва хориждаги ватандошлар билан алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирларни ўзида мужассам этган қатор фармон ва қарорлар қабул қилинган.

2025 йилда ҳам бу йўналишда ўта муҳим қадамлар ташланди, қонунчилик янада такомиллаштирилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 25 февралдаги ЎРҚ-1037-сон Қонуни билан Ўзбекистон Республикасида фуқароларнинг виждон эркинлигини таъминлаш ва диний соҳадаги давлат сиёсати концепцияси тасдиқланди. Мазкур концепция юртимизда диний бағрикенглик ва миллатлараро тотувлик муҳитини янада барқарор этишда муҳим роль ўйнамоқда.

Концепция давлатчилигимиз ривожининг бой миллий-тарихий тажрибасига ва умуминсоний кадриятларга таянган ҳолда ишлаб чиқилган бўлиб, кўпмиллатли ва кўпконфессияли Ўзбекистонда умумжамиyat манфаатларини рўёбга чиқариш, демократия, дунёвийлик, эркинлик, тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик асосида ўзаро тотувликда яшаш ҳамда изчил тараққий этиш учун зарур барқарор муҳитни таъминлашга қаратилган.

Концепцияда виждон эркинлиги, дунёвийлик, дунёвий давлат, дунёвий кадриятлар, умумжамиyat манфаатлари тушунчаларига аниқ таъриф берилган.

Хусусан, дунёвий кадриятлар тушунчаси – виждон эркинлигига, қонун устуворлигига, мафкура ва фикрлар хилма-хиллигига, динла-

раро бағрикенглик ва миллатлараро тотувликка асосланган жамиятдаги умуминсоний принциплар, нормалар ва қарашлар мажмуи, дея таърифланган.

Концепциянинг муҳим аҳамият касб этувчи жиҳатларидан бири – дунёвий давлатда диний кадриятлар ҳам муҳим ўрин тутишига алоҳида урғу берилган. Диний кадриятлар Ўзбекистон халқининг маданияти, турмуш тарзи, урф-одатлари, одоб-ахлоқининг шаклланишига ҳамда уларнинг авлоддан-авлодга мерос бўлиб ўтишига хизмат қилаётгани қайд этилган.

Яратилган мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор боис, сўнгги саккиз йилда республика бўйича жами 134 та диний ташкилот, шу жумладан 3 та олий ва 1 та ўрта махсус ислом билим юрти, 105 та масжид ҳамда 25 та турли конфессияга тааллуқли ноисломий диний ташкилот давлат рўйхатидан ўтказилди.

Жамият аъзоларида ўзаро бирдамликни янада мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар доирасида бағрикенглик фазилатини кенг тарғиб этишга алоҳида урғу берилмоқда.

Хусусан, 16 ноябрь – Халқаро бағрикенглик куни муносабати билан жорий йил мамлакатимизнинг барча ҳудудларида “Янги Ўзбекистон – бағри кенг диёр” шиори остида “Бағрикенглик ҳафталиги” ўтказилди. Тинчлик ва ҳамжиҳатлик барқарорлиги учун хизмат қилаётганларга эҳтиром кўрсатилди.

Ўзбекистон диний бағрикенглик сиёсати самарадорлиги борасида чинакам ибрат намунасига айланмоқда.

Бунинг боиси Президент Шавкат Мирзиёев нуфузли халқаро тадбирлардаги чиқишларида бағрикенглик, тинчлик ва тотувликни таъминлаш масаласига алоҳида урғу бермоқда.

Хусусан, Давлатимиз раҳбари яқиндагина кўхна Самарқанд

шаҳрида бўлиб ўтган ЮНЕСКО Бош конференцияси 43-сессиясидаги нутқида тинчлик ва бағрикенглик – Ислонинг ҳақиқий моҳияти эканини алоҳида урғулади.

Давлатимиз раҳбари дунёда динлараро зиддиятлар тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда бағрикенглик, ўзаро тушуниш ва тотувлик каби умуминсоний ғояларни кенг тарғиб этиш ҳар қачонгидан ҳам муҳимлигини таъкидлади.

Президентимиз Ислон маданияти ва маърифатини дунёга тараннум этиш орқали радикализм ва исломофобияга қарши самарали курашиш мумкинлигини эътироф этар экан, бу борада Ўзбекистонда амалга оширилган ноёб лойиҳалар – Ислон цивилизацияси маркази, Имом Бухорий, Имом Мотуридий, Имом Термизий, Баҳоуддин Нақшбанд тадқиқот марказлари салоҳиятидан биргаликда фойдаланишга чақирди.

Давлатимиз раҳбари томонидан билдирилган ушбу фикрлар дунё аҳли учун Ислон дини ҳақида холис ҳулоса қилишга жиддий чорлов ҳамда Ислон маданияти ва илми изланувчилари учун муҳим чақириқ бўлди.

Ўзбекистон бағрикенг ўлка экани давлатимиз мадҳиясида ҳам ўзифодасини топан. Унда истикомат қилаётган барча миллат ва элатлар яхлит бир халқни – Ўзбекистон халқини ифода этади. Унинг бирдамлиги, аҳил ва тотувлиги ҳар биримизнинг бағрикенглик масъулиятимизга боғлиқ.

Биз тинч ва осойишта ҳаёт кечиршни, авлодлар учун обод Ватан, фаровон келажак яратишни истар эканмиз, тинчлигимизни кўз қорачиғимиздек асрашимиз зарур. Бунга эса диний бағрикенглигимиз, умуммиллик тотувлигимиз орқалигина эриша оламиз.

Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,
Демократик жараёнларни таҳлил қилиш маркази эксперти.

Бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти диққат марказида турган Ўзбекистон – янгилашни, маърифат ва инсонпарварлик сари дадил қадам ташлаётган мамлакатдир. Бу жараённинг марказида Президент Шавкат Мирзиёев илгари сурган “Учинчи Ренессанс” ғояси ётади. Ушбу ғоя нафақат миллий тикланиш, балки бутун инсоният учун маънавий уйғониш ва ҳамкорлик, маданий юксалиш концепцияси сифатида эътироф этилмоқда.

Инсоният тараққиёти тарихига назар ташласак, ҳар қандай жамиятнинг барқарорлиги ва ахлоқий юксалишида ҳалоллик тамойили алоҳида ўрин тутиб келганини кўрамиз. Бу қадрият фақат диний тушунча эмас, балки ижтимоий муносабатлар, иқтисодий тараққиёт, давлат бошқаруви ва шахсий ҳаётдаги энг муҳим мезонлардан бири сифатида намоён бўлади. Исломотаълимотида ҳалоллик инсоннинг этиқоди, феъл-атвори, меҳнат фаолияти, оилавий муносабатлари ва ҳатто ички дунёсига дахлдор бўлган кенг қамровли ахлоқий принцип сифатида белгилаб қўйилган. Қуръон оятлари ва ҳадисларда ҳалол ризқ топиш, адолат билан иш юритиш, ўлчов ва тарозиди ҳаққа хилоф қилмаслик, ўзаро муносабатларда риёкорлик ва хиёнатдан йироқ бўлиш каби масалалар инсоннинг комиллик сари интилишининг асоси сифатида кўрсатилади.

Ҳалолликнинг моҳияти шундаки, у инсоннинг амали билан ниятига ҳам боғлиқ бўлиб, ҳар бир ишида пок ният ва адолатни талаб этади. Демак, ҳалоллик – бу фақат иқтисодий муомаладаги шаффофлик эмас, балки инсоннинг бутун ҳаёт фалсафасига айланиши лозим бўлган маънавий меъёрдир. Бугунги замон шароитида ҳалолликнинг аҳамияти янада ортаётир. Зеро, коррупция, манфаатдорлик, ноқонуний бойиш ва адолатсизлик каби иллатлар жамиятнинг маънавий асосларини издан чиқаради, иқтисодий ривожланишни секинлаштиради, давлатга бўлган ишончни пасайтиради. Ҳалоллик устувор бўлган муҳитда эса иқтисодий ўсиш барқарор, давлат бошқаруви самарали, фуқароларнинг ўзаро ишончи эса мустаҳкам бўлади.

Шу жиҳатдан мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ичида “ҳалоллик маданиятини шакллантириш” ғоясининг ўрни бекиёсдир. Давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилаётган ушбу ташаббус мамлакатда маънавий софлик муҳитини мустаҳкамлаш, давлат хизматини шаффоф ва ҳисобдор этиш, жамиятда адолатга интилишни умумий тамойилга айлантириш каби мақсадларга хизмат қилади. Бу ғоянинг муҳим жиҳати шундаки, ҳалоллик эндиликда фақат маъмурий назорат объекти эмас, балки ҳар бир фуқаронинг ички маданиятини шакллантирув-

чи омил сифатида талкин қилинмоқда. Давлат идораларида рақамли бошқарув ва очиқ маълумотлар тизимининг жорий этилиши, таълим муассасаларида ёшлар онгида ҳалоллик ва адолат туйғусини кучайтириш, тадбиркорлик фаолиятида шаффофлик стандартларини татбиқ этиш каби жараёнлар мамлакатда янги ахлоқий муҳит шаклланишига замин яратмоқда.

Инсоннинг кадр-қимматини асраш, унинг ақл-заковатини эзгу йўлда ишлатиш, пок ризқ ва пок ният билан яшаш – барча динлар ва маънавий тизимларда устувор ўринда туради. Шу боис ҳалол-

лик глобал қадрият сифатида шаклланиб, халқаро бизнесда этика кодекслари, давлатларда антикоррупция стандартлари, жамиятда шаффофлик ва маъсулият тамойиллари айнан шу тушунчага таянади.


Бугунги ҳаётда ҳалолликнинг амалий аҳамияти жуда катта. Ишбилармонликда ҳалоллик – компания обрўси, барқарор ривожланиши ва ишончли ҳамкорликнинг пойдевори; давлат бошқарувида – адолатли қарорлар ва қонун устуворлигининг кафолати; таълим соҳасида – ёшларнинг ҳаётга тўғри муносабат билан кириб келишига хизмат қилувчи асосий омил; оилада эса – муҳаббат, ишонч ва барқарорликни таъминловчи маънавий устун сифатида намоён бўлади. Инсоннинг шахсий ривожланишида ҳам ҳалоллик ўз-ўзини назорат қилиш, интизом, маъсулият ва пок виждонли бўлиш каби фазилатларни шакллантиради.

Хулоса қилиб айтганда, ҳалол-

лик – инсонни инсон қиладиган асосий фазилатлардан бири. У жамиятнинг маънавий устун, давлат барқарорлигининг, адолатнинг, тараққиётнинг, тинчлик ва ишончнинг пойдеворидир. Исломотаълимотидаги ҳалоллик тамойили эса бизга фақат диний бурч эмас, балки ҳаёт қонидаси, инсонийлик мезони асосига қурилган. Шу боис ҳалол бўлиш – огир вазифа эмас, аксинча, инсоннинг табиий ҳолати, қалб поклиги ва виждон равшанлиги билан боғлиқ хусусият.

Шундай экан, ҳалолликка интилиш ҳар биримиздан ўз нафсимиз устидан қувват, фикримизда аниқлик, амалиётимизда маъсулият талаб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда яратилаётган “ҳалоллик маданияти” муҳити биздан фақат қонунларга итоаткор бўлишни эмас, балки кундалик ҳаётда – ишда, ўқишда, савдо-сотикда, оилавий муносабатларда ҳам пок ният ва пок амал билан яшашни талаб қилади. Чунки ҳалол жамиятни

«МЕНИНГ БУ ИШИМ ҲАЛОЛМИ?»



давлатнинг ўзи эмас, балки унда яшайдиган одамларнинг юраги, қалби ва виждони бунёд этади.

Эътибор қилишимиз керак бўлган энг муҳими – ҳалолликни бошқадан талаб қилишдан аввал уни ўзимизда қарор топтиришдир. Инсон ўзини тоза тутса, унинг атрофи ҳам тозаланади; оилада ҳалоллик бўлса, жамият ҳам софлашиб боради; раҳбар ҳалол бўлса, тизим ислох топади; ёшлар ҳалол бўлса, келажак нурли бўлади. Шунинг учун ҳам ҳалоллик – ҳамма нарсанинг бошида турувчи нур, инсонни муваффақият ва баракага етакловчи йўлдир.

Демак, ҳалолликни шахсий фазилат сифатида эмас, балки умумий маъсулият сифатида англаш, уни ҳаётнинг ҳар бир қиррасида татбиқ этиш ва кейинги авлод учун ҳам ана шу соф муҳитни мерос қолдириш – бугун биздан талаб этиладиган энг муҳим вазифа. Маънавий юксалишнинг калити, жамият тараққиётининг асоси, давлат барқарорлигининг энг катта куч-қуввати айнан шу тамойилга таянади.

Ҳаётда муҳим қарор қабул қилаётганда ёки оддий амални бажараётганда ҳам “Менинг бу ишим ҳалолми?” деган саволни ўзимизга бериш – барчамизни эзгуликка етаклайдиган энг тўғри йўл!

Отабек МУҲАММАДИЕВ,
Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги
Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази директори
ўринбосари, тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори (PhD)

СОҒЛОМ МИЛЛАТ УЧУН МАСЪУЛМИЗ

Бугунги кунда энг долзарб муаммолардан бирига айланган гиёҳвандлик бутун дунё аҳлини ташвишга солмоқда. Шу сабаб унга қарши курашиш, ёш авлодни аср вабосидан сақлаш масаласига нафақат давлат идоралари балки жамоат ташкилотлари томонидан ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мамлакатимизда бу иллатга қарши кураш, бу каби моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласига қарши курашиш бўйича тизимли чоралар амалга оширилмоқда.

Бирок, сўнгги вақтларда гиёҳвандлик воситаларининг, улар аналогларининг ва психотроп моддаларнинг, шунингдек кучли таъсир қилувчи моддаларнинг қонунга ҳилоф муомаласи ортаётганлиги, айниқса бу жирканч ишларга ёшлар ва вояга етмаганларни жалб қилиш ҳолатлари учраётганлиги барчамизни сергак тортишга ундайди.

Бугунги қаҳрамонимиз Наим Оролов (исм-фамилияси ўзгартирилган) гиёҳванд моддалар сотиш билан шуғулланганлиги учун мукаддам суд ҳукми билан озодликдан маҳрум қилиниб, жазони ўташ вақтида ўталмай қолган жазо муддати енгилроқ жазога алмаштирилиб, озодликка чиққан бўлса-да, бундан ўзига тегишли хулоса чиқармасдан, унга берилган имкониятни “имтиёз” деб қабул қилди. Ўз қилмишини давом эттириб, ўзининг жирканч жиноятига пушти камаридан бўлган ўғли Ўктам Ороловни (исм-фамилияси ўзгартирилган) ҳам жалб қилади.

Ота-бола яшаш уйларида

сақлаб келаётган 49,6 грамм захри қотилни (марихуана) ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ходимлар томонидан ўтказилаётган тезкор тадбирда “харидор” сифатида жалб қилинган фукарога ўзларида бўлган махсус электрон тарозида ўлчаб, 2 млн. сўм эвазига сотган вақтларида тезкор ходимлар томонидан қўлга олинадилар.

Суд муҳокамасида ишдаги барча ҳолатлар ўрганиб чиқилиб, ота-бола оғуфрушлар томонидан содир қилинган жиноят тўлиқ ўз исботини топди.

Суднинг ҳукмига кўра, ота-бола Наим ва Ўктам Ороловлар Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддаси 5-қисми билан айбдор деб топилдилар ва Наим Ороловга илгариги ҳукм бўйича ўталмай қолган жазо муддати қисман қўшилиб, 11 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Жиноят кодекси 34-моддасига асосан “ўта хавфли рецидивист” деб топилиб, жазони махсус тартибли колонияларда ўташ белгиланган бўлса, Ўктам Ороловнинг ёшлиги ва иштирокчилик даражаси инобатга олиниб, Жиноят кодекси 57-моддаси қўлланилиб, 7 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Суд-тергов амалиётида бу каби ишлардан кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Яна бир ҳолатда, эндиgina 28 ёшга кирган Чори Булатов (исм-фамилияси ўзгартирилган) ҳам ҳаётда тўғри яшаб, касб-хунар билан жамиятга наф келти-

риб, мазмунли ва мароқли умр кечириш ўрнига, разолат йўлини танлади ва охир-оқибат ўз умрини завол қилди.

Бўй-басти келишган, кош-кўзлари ўзига ярашиб турган Чори Булатовга ўзгача ҳолатда дуч келганимизда, балки унинг жиноятчи эканлигига зинҳор ишонмаган бўлардик. Афсуски, бу йигит илму-хунар ўрнига, жиноятчиликнинг қабих кирдикорларини мустаҳкам эгаллаб, «Захри қотил» орқали даромад кўрмоқчи бўлганлигига таажжуб дейсан. Ч.Булатовнинг содир этган жинояти қанчалик оғир бўлмасин, унинг аянчли қисмати ачинасан, киши.

Чори Булатов Қирғизистон Республикасида яшовчи танишидан 37.500.000 сўмга соф вазни 50 грамм бўлган 3000 дона елим флаконлардаги кучли таъсир қилувчи “Тропикамид” моддасини келгусида қонунга ҳилоф равишда ўтказиш мақсадида сотиб олиб, шундан 1000 донасини 15.000.000 сўмга Сурхондарё вилояти Денов туманида яшовчи танишига сотиш тўғрисидаги ўзаро келишувига кўра, 2 дона қоғоз қутиларга жойлаштирган ҳолда Наманган шаҳридан Тошкент шаҳрига қадар ташиб бориш ва Тошкент шаҳридаги “Бек тўпи” савдо мажмуаси автотураргоҳидан жўнатиб юбориш учун юк машинаси ҳайдовчисига тақдим этади. Ўз навбатида, ҳайдовчи ушбу “юк”ни Тошкент шаҳрига қадар ташиб бориб, Тошкент шаҳридаги “Бек тўпи” савдо мажмуаси автотураргоҳи-

дан “мижоз”га етказиб бериш учун бошқа бир юк машинаси ҳайдовчисига топширади.

Бирок, Чори Булатовнинг “пукта” уйланган бу режасини амалга ошмайди ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ҳамкорлигида ўтказилаётган тезкор тадирда ушбу ҳолат аниқланиб, автомашини юкхонасида 2 қоғоз қутига жойланган 1000 дона кучли таъсир қилувчи “Тропикамид” моддалари мавжудлиги фош қилинган.

Бу “қаҳрамонимиз” ҳам суд ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 251-1-моддаси 3-қисми билан айбли топилиб, қолган умрининг 5 йилнинг “панжа ортида” ўтайдиган бўлди.

Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, бу каби жиноятларни фош қилиш ва айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортишга қаратилган қатор ишларни амалга оширилмоқда. Фикримизча, бу жиноятларни фақат жазолаш ва бошқа маъмурий тақиб йўли билан, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг кучи билан бартараф этиб бўлмайди. Бу саъй-ҳаракатлар аҳолининг ижтимоий фаоллиги, ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш билан уйғун ҳолда олиб борилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Шаҳзод БАХТИЁРОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Қашқадарё вилояти
Дехқонобод туман суди
раиси.

ЯНГИ ТАРИХ ЯРАТАДИГАН ОЛТИН АВЛОД



Мамлакатимиз аҳолиснинг олтмиш фоизи ёшлардан иборат. Бу катта кўрсаткич эканлигини яхши биламиз. Жаҳонда туғилиш камайиб, аҳолиси тобора қариб бораётган давлатлар борлигини билсак ёки ёшлар келажак учун қанчалик муҳим кучлиги хусусидаги маълумотларга кўзимиз тушса болажон халқ эканимиздан ғурурланиб ҳам кўямиз.

Зеро, бугун Янги Ўзбекистонда “инсон қадр” деган эзгу ғоя асосида амалга оширилаётган ислохотлар болаларнинг оилада, ёшларнинг таълимда, умуман, ҳаётда муносиб ўрин эгаллаши учун барча учун тенг шароит яратиб беришга қаратилгани билан алоҳида ажралиб туради.

Айтиш жоизки, бундай ишлар пойдевори, аввало, асосий қонуни-мизда мустаҳкамлаб қўйилди. Унинг XIV боби оила, болалар ва ёшларга бағишланган. Хусусан, 79-моддада “Давлат ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлайди, уларнинг жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантиради.

Давлат ёшларнинг интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлокий жиҳатдан шаклланиши ҳамда ривожланиши учун, уларнинг таъ-

лим олишга, соғлиғини сақлашга, уй-жойга, ишга жойлашишга, бандлик ва дам олишга бўлган ҳуқуқларини амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратади, дейилади.

Бош қомусимизда белгиланган ана шу қатъий талаб ва тартиб бугун ёшларимизнинг оилада, жамиятда тўқис ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қиляпти. Ҳозирги кун ёшлари Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлод вакили сифатида намоён бўлмоқда.

Бугун “Таълим — келажак сармояси”, деган эзгу ғоя жамиятимизда катта ҳаракатга айланмоқда. Буни ёшларимиз ҳам тўғри англаб етмоқда, тушунмоқда ва шунга интиломоқда.

Бунинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш мақсадида “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Ўзбекистон-

да 30 июнь — “Ёшлар куни” деб эълон қилинди. Турли соҳаларда юксак натижа ва ютуқларга эришаётган фидойи ёшларимизни рағбатлантириб бориш мақсадида “Мард ўғлон” давлат мукофоти ва “Келажак бунёдкори” медали таъсис этилди.

Мен раҳбарлик қилаётган 3-сон техникумида ҳам бугун ўқувчи ёшлар ҳамда ўқитувчилар саломакли ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Ўқувчи ва ўқитувчиларимизни турли фан олимпиадалари, танлов ва халқаро тадбирларда совринли ўринларни қўлга киритаётгани, мамлакатимизда ёш авлодга таълим-тарбия бериш, уларнинг ҳаётга мустақил қадам қўйишлари учун барча зарур шароитларни яратишга қаратилган тизимли ишлар самарасидир.

Жорий йилдан техникумда дуал таълим йўналиши йўлга қўйилиб уч муҳахассислик бўйича ўқувчилар қабул қилинди. Шу билан бирга Россиянинг Кострома вилояти давлат қишлоқ хўжалиги академияси билан келишув имзоланиб, унда таълим сифатини яхшилаш, касбга йўналтириш, илмий ижтимоий ва профессионал соҳаларда ўзаро ҳам-

корлик қилиниб келинмоқда.

Талабаларимиз спорт йўналишида фаол иштирок этиб салмоқли ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. Хусусан, “Баркамол авлод” спорт ўйинларида спортнинг дюздо тури бўйича вилоят босқичида иккита ўқувчимиз биринчи, битта ўқувчимиз учунчи ўринни қўлга киритди.

Шунингдек, ёшларни маданият, санъат, жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш, уларнинг ахборот технологиялари бўйича саводхонлигини ошириш, ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш, хотин-қизлар бандлигини таъминлаш вазибаларини ўз ичига олган бешта муҳим ташаббусни изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, мамлакат тараққиёти ва келажагини соғлом, билимли, маданиятли ёшлар белгилаб беради. Уларнинг кучи шунда. Ўзбекистонда Ёшларга оид давлат сиёсати, аввало, ёшлар ва давлат ўртасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришга хизмат қилмоқда. Бу узлуксиз жараёнга айлангани билан аҳамиятлидир.

Фахриддин ЮСУПОВ,
Янгийўл тумани 3-сон
техникуми директори

ОДАМИЙЛИК ЎЛМАСИН

“Севимли” телеканалнинг Ўзбекистон халқ артисти Ёқуб Аҳмедовни хотирлаб тайёрлаган кўрсатувини Ютуб орқали кўрдим. Ҳамкасблари, шогирдлари тўлиб-тошиб, ёниб гапирибди.

Айниқса Ёқуб аканинг одамгарчилиги, театр-га раҳбар бўлганида ҳам ҳеч катта кетмаганлиги, ўзгармаганлиги, ҳаммага яхшилик қилганлиги, хуллас, жуда гўзал ва таъсирли хотиралар. Ўтганларни эслаб, мана шу каби айтилган гапларни эшитсам, доим мени бир савол ўртади: нега шу гапларни тириклик чоғида, ўзига айтмагансиз? Балки айтгандирсиз, аммо ҳозирги меҳр, ҳозирги ҳаяжон билан айта олмагансиз. Бугун кўриб турган ҳамкасбингиз, дўстингиз, устозингиз эртага бўлмаслиги мумкин. Ҳеч кимга мана мунча яшайсан, деб қафолат хати бермаган бу дунё ҳаммадан қолишини ҳаммамиз биламиз. Аммо баъзан бир оғиз илиқ сўзни қизғана-қизғана гўрига олиб кетганлар қанча.

...Бир кўшнимиз бор. Юрак хасталигига чалинган жиянини даволатиш учун Воҳидов номидаги кардиожаррохлик марказига олиб боради. Уларнинг ёнида бошқа бир аёл ҳам 14-15га кирган ўғлини кўриқдан ўтказётган экан. Йигитчанинг касали анча ўтиб кетганини, даволаш учун жуда катта сумма кераклигини айтибди шифокорлар. Аёл эса бунча пул топишга қурби

етмаслигини билдирибди. Ташқарига чиқишгач, кўшнимиз ўз жиянига қўшиб ўша йигитчанинг даволаниши учун ҳам каттагина маблағ тўлабди кассага. Буни менга кўшнимнинг ўзи айтиб берди. Албатта ўша заҳоти мақтаниб айтгани йўқ. Орадан йиллар ўтиб билдим бу воқеани. Яъни, у киши билан бир жойга бораётган эдик. Телефон бўлиб қолди. Бир киши уни тўйга таклиф қилди. Уйланыпман, сиз келмасангиз тўйни қолдираман, деди. Гаплашиб бўлишгач, савол назари билан кўшнимга қарадим. Кўшним бир неча йиллар олдин бўлган воқеани айтиб берди ва тўйга бирга борамиз, менга ҳамроҳ бўлинг, деди. Хуллас, ҳалиги бола бутунлай оёққа туриб, тузалиб кетибди. Яхшликни эсдан чиқармай тўйга айтган экан.

Мана буни беминнат яхшилик дейдилар. Мени шундай хотамтой инсон билан ҳамсоя қилиб қўйган Аллоҳга шукур.

Устозимиз, катта ёзувчи ва шоир, таниқли публицист Абдусайд Кўчимов бир куни телефон қилиб: “Расмингиздан юборинг”, дедилару изоҳламадилар. Мен ҳам нимага керак расм,

дея сўрашга ботинолмадим. Уч-тўрт кун ўтиб, у кишининг қишлоқларига таклиф этилдик. Борсак, юртнинг энг машҳур зиёлилари ўша ерга йиғилган экан. Сабаби, устоз ўзлари туғилиб, вояга етган хонадонни таъмирлаб, қишлоқ аҳли учун ўн минг китоб захирасига эга кутубхона бунёд этибдилар. Ниҳоятда гўзал бўлди унинг очилиш маросими. Кутубхонага кираверишд эса ургутлик бир гуруҳ ижодкорларнинг расмлари ҳам чиройли баннерга қўйилибди. Уларга ҳавас билан қараётиб ўзимни ҳам кўриб қолдим. Қайта-қайта қарасам, ростдан ҳам ўзим эканман.

Оддий ижодкорга катта бир устознинг эҳтироми, эътиборидан шошиб қолдим. Ва бу мен учун катта мотивация бўлди.

Бу ҳеч нарса демай яхшилик қилиш бўлади.

Ушмундоқ мисолларни шунинг учун келтиряпманки, бу каби ҳолат сизнинг ҳам ҳаётингизда бор ва уларни албатта ёзинг. Ёзиш қўлдан келмаса, оғзаки айтинг. Яхшилик қилаётган одамни, яхши одамни албатта эътироф этинг. Юзига айтинг сиз зўр инсонсиз деб. Бу эъзозлар бир куни ўзингизга қайтиб, тириклик чоғингизда умрингизни безайди.

Хулоса шу: йўқланг, дийдорлашинг, ардоқланг, ширин сўзни аяманг. Зеро, шоир ёзганидек:

*Одамлар, қадрланг бир-бирингизни,
Гул ҳам, муҳаббат ҳам тирикка керак...*

Максуд ХОН

ГУЛЗОРГА ҚАЙТГАН ГУЛЛАР



Ҳар бир ёш оила қуриб, янги ҳаётга қадам қўяр экан, аввало, турмуши ширин ва бахтли бўлишини истайди. Бироқ қуруқ истакнинг ўзи етарли эмас. Чунки, оила деб аталмиш бўстонда ҳаёт бир текис кетмайди. Бу эса эр ва хотиндан сабр-тоқат, аҳилликни талаб этади. Йўқса, арзимаган гап-сўзлар, келишмовчиликлар муносабатларини емириши, ҳаётни боши берк кўчага киритиб қўйиши мумкин.

Тошкент шаҳрида яшовчи Т.А. ширин орзу-ниятлар билан Ф. га уйланади. Орадан йиллар ўтиб икки қизли бўлишди. Аммо фарзандлар туғилиши оила ришталарини мустаҳкамлай олмади. Рўзғордаги гап-сўзлар бора-бора оилани ажралиш оstonасига олиб келди.

Яхшиси, яқинда судда кўрилган ҳолат тафсилотларига тўхталсак. Ф. исмли аёл жавобгар Т.А.га нисбатан даъво ариза билан мурожаат қилиб, унда жавобгар билан 2019 йил 10 сентябрда қонуний никоҳдан ўтиб, турмуш

курганини, бу турмушидан икки нафар фарзандлари туғилганини баён қилган. Жавобгар билан 2025 йил 16 июндан буён бирга яшамаслигини, жавобгар бирон сабабини тушунтирмасдан қизларини уйида олиб қолганини, уни уйдан ҳайдаганини, шу пайтдан буён фарзандларини кўрмаганини ва ота-онасининг уйида яшаётганини маълум қилган. Жавобгар билан бу масалани тинч йўл билан ҳал қилишга ҳаракат қилган, лекин у қаршилиқ қилиб келган. Жавобгар фарзандларига эътибор бермаслигини, онлайн ўйинларга берилиб, уларнинг тарбияси ва таъминоти билан шуғулланмаслигини маълум қилди. Вояга етмаган қизлари она меҳри ва парваришига зор эканини билдирганида жавобгар қаршилиқ қилиб, фарзандлари билан кўришишига тўсқинлик

қилаётганини баён қилиб, суддан 16.06.2020 йилда ва 18.05.2021 йилда туғилган вояга етмаган фарзандларини жавобгардан ўзининг тарбиясига олиб беришни сўраган.

Суд мажлисида сўралган жавобгар Т.А. даъво


аризани қисман тан олиб, ўз тушунтиришида даъвогар она сифатида фарзандарига етарли эътибор бермаслигини, уларнинг соғлиғи ва тарбияси билан етарли даражада шуғулланмаслигини маълум қилди. Даъвогар ўз ихтиёри билан фарзандларини унга ташлаб кетганини, уларнинг аҳволидан хабар олмаслигини, шунинг учун фарзандларини ўзи яшаётган уйда олиб қолганини билдирди. Суддан даъво талабларини рад қилишни сўради.

Ўзбекистон Психологлар ассоциацияси томонидан берилган суд-экспертларининг хулосасида вояга етмаганларнинг ота-онасига нисбатан эмоционал боғлиқлиги юқори даражада эканлиги, онаси билан бирга яшаши уларнинг руҳиятига ижобий таъсир этиши, болаларнинг ота-онадан қайси бири билан яшаши ҳақидаги фикрларида учинчи шахснинг таъсири мавжуд эмаслиги қайд қилинган.

Суд даъвогар Ф.нинг даъво талабларини муҳокама қилди. Мазкур ҳолатда даъвогар она сифатида фарзандлари тарбиясида отаси ва яқин қариндошларига нисбатан устун ҳуқуққа эгалигини, болаларнинг бир-бирига ва ота-онасига нисбатан муносабатлари суд томонидан тайинланган ва қонуний асосда олинган экспертиза хулосаси билан аниқланди. Даъвогарнинг яшаш манзилида болаларнинг таълим олиши ва тарбияланиши учун барча шароитлар мавжудлиги ваколатли орган хулосаси билан тасдиқланганлигини, болаларнинг қиз жинсига мансублиги ва отасидан кўра кўпроқ онасининг тарбияси, парваришига эҳтиёжи борлигини эътиборга олди. Шунинг учун суд даъво талабларини қаноатлантиришни, вояга етмаган фарзандларини жавобгардан даъвогар тарбиясига олиб беришни ва яшаш жойини даъвогарнинг истиқомат манзили бўйича белгилашни лозим топди.

Шундай қилиб, фарзандлар онасининг бағрига қайтди.

Дилноза ШОМАТОВА,
Фуқаролик ишлари бўйича
Шайхонтохур туманлараро судининг
судьяси





Бугун дунёда ахборот тезкорлиги ортиб, манфаатлар тўқнашуви чуқурлашган бир пайтда жамиятларнинг энг катта эҳтиёжи – ишонч ва тинчликдир. Қайси ҳудудга назар солмайлик, хавфсизлик, барқарор тараққиёт ва ўзаро англашув масалалари биринчи ўринга чиқмоқда.

Шу ижтимоий воқелик фонида Туркменистон доимий бетарафлигининг 30 йиллиги, Халқаро бетарафлик куни ҳамда 2025 йилнинг “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” деб эълон қилинишига бағишланган халқаро форум алоҳида аҳамият касб этди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг мазкур форумдаги нутқи эса замонавий глобаллашув шароитида тинчликни таъминлашга қаратилган аниқ ва ҳаётий ташаббуслар билан эътиборни тортди.

Президентимиз ўз нутқида бетарафлик ғоясини фақат сиёсий мақом эмас, балки ишончни мустаҳкамлайдиган амалий механизм сифатида талқин этди. Бу ёндашув ҳозирги мураккаб халқаро муносабатлар тизимида жуда муҳим. Чунки ишонч йўқ жойда барқарор тараққиёт ҳам бўлмайди. Давлатлар ўртасида ишончни тиклаш, мулоқотни кучайтириш ҳамда келишувларга эришиш учун бетарафлик тамойили кўп ҳолларда ўзаро яқинлашувга хизмат қилади.

Мамлакатимиз Президенти илгари сурган ташаббуслардан бири – “тинчлик ва ишончни халқаро ҳамкорликнинг устувор кадри-

яти сифатида мустаҳкамлашдир”. Ушбу ғоя айна пайтда нафақат дипломатик минбарларда, иқтисодий, гуманитар, шунингдек, маданий соҳаларда ҳам амалий қадамлар билан қўллаб-қувватланиши зарурлигини кўрсатади. Масалан, қўшни давлатлар ўртасида савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт ва энергетика лойиҳаларини биргаликда амалга ошириш – ишончни кучайтиришнинг энг самарали йўлларида биридир.

Шунингдек, нутқда минтақавий барқарорлик масаласига алоҳида урғу берилди. Марказий Осиё мисолида олиб қарасак, охириги йилларда очиклик, ўзаро ҳурмат ва амалий ҳамкорлик руҳи кучайди. Бу эса тасодикий эмас. Ўзбекистон томонидан олиб борилаётган очик ва конструктив ташки сиёсат минтақада ишонч муҳитини яратишга хизмат қилмоқда. Президентимизнинг форумда билдирган фикрлари ана шу сиёсатнинг мантикий давоми сифатида намоён бўлди.

Глобаллашув шароитида дунё давлатлари бир-бирига ҳар қачонгидан кўра кўпроқ боғлиқ. Бир ҳудуддаги беқарорлик бошқа жойларда ҳам муаммоларни келтириб чиқаради. Шунинг учун мамлакатимиз етакчиси таъкидлаганидек, тинчликни сақлаш фақат бирор давлатнинг вазифаси эмас, балки бутун инсоният зиммасидаги умумий масъулиятдир. “Халқаро тинчлик ва ишонч йили” ташаббуси ҳам ана шу умумий масъулиятни англашга чорлайдиган даъватдир.

Нутқнинг яна бир муҳим жиҳати – инсон манфаатларини биринчи ўринга қўйиш ғоясидир. Тинчлик ва ишонч, аввало, оддий инсонлар ҳаётида сезилиши керак. Болаларнинг осуда таълим олиши, ёшларнинг эркин меҳнат қилиши, oilаларнинг эртанги кунга ишонч билан қараши – мана шу қадриятлар ҳар қандай сиёсий ташаббуснинг асосида туриши лозим. Президентимизнинг фикрларида ана шу инсонпарварлик руҳи яққол сезилиб турбди.

Шавкат Мирзиёевнинг халқаро форумдаги нутқи мазмунан бой, ғоявий жиҳатдан етук ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Унда илгари сурилган ташаббуслар бугунги глобаллашув шароитида тинчликни сақлаш, ишончни мустаҳкамлаш ва барқарор тараққиётга эришиш учун муҳим дастур сифатида намоён бўлди. Бетарафлик, мулоқот ва ўзаро ҳурматга асосланган ёндашув – замонавий дунёда муваффақият калитидир.

Ана шу маънода, ушбу нутқ нафақат форум иштирокчилари, балки кенг халқаро жамоатчилик учун ҳам муҳим дастак ва дипломатик концессия бўлиб хизмат қилади.

Муҳаммад ИГАМБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти
ҳузуридаги Давлат сиёсати
ва бошқаруви
академиясининг
магистратура босқичи
тингловчиси





ЗАМОНАВИЙ ЛАБОРАТОРИЯЛАР ИННОВАЦИЯ ВА КЕЛАЖАК ГАРОВИДИР

Бугунги глобллашув ва технологик тараққиёт даврида биотехнология ва экология фан соҳаси йўналишлари стратегик аҳамият касб этмоқда. Дунё аҳолисининг кўпайиши, табиий ресурсларнинг камайиши, экологик муаммоларнинг чуқурлашуви, озиқ-овқат хавфсизлиги ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги муаммолар мазкур йўналишларнинг янада долзарблигини оширмоқда.

Ана шундай жараёнларда биотехнология ва экология соҳасида нафақат илмий-маърифий марказ, балки янги инновацион ғоялар, рақобатбардош кадрлар тайёрлашда замонавий илм-фан маскани сифатида шаклланиб борада.

Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг Биотехнология ва экология факультети бугун ўзининг кенг қамровли имкониятлари, илмий салоҳиятга эга профессор-ўқитувчилар таркиби, замонавий лабораториялари ва халқаро тажриба алмашинуви билан мамлакат илм-фани ривожига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Бугун жамоамизнинг асосий вазифаси – глобал миқёсда рақобатбардош, ташаббускор, илмий фикрлай оладиган, амалий кўникмаларга эга ёш мутахассисларни тайёрлашдан иборат.

Факультет таркибидаги замонавий лабораториялар мажмуаси бугунги куннинг энг илғор технологиялари билан жиҳозланган бўлиб, халқаро стандартларга тўлиқ жавоб беради. Микробиология, ху-

жайра муҳандислиги, молекуляр биология, экологик мониторинг, биоаналитика, биотехнологик жараёнларни моделлаштириш каби йўналишлар бўйича лабораториялар талабаларга назарий билимларни амалиётда мустаҳкамлаш имконини яратмоқда. Шу билан бирга, бу лабораториялар нафақат таълим жараёнига хизмат қилади, балки илмий-тадқиқот фаолияти учун ҳам асосий майдон ҳисобланади. Янги биопрепаратлар, экологик мониторинг усуллари, турли микроорганизмлар билан ишлаш, инновацион технологияларни жорий этиш бўйича илмий изланишлар айнан мана шу масканларда амалга оширилади.

Талабалар лабораторияга кирган илк дақиқаларданок ўзларини ҳақиқий илм-фан оламида ҳис қиладилар. Чунки бу ерда ҳар бир ускуна, ҳар бир жараён, ҳар бир тажриба уларга янги билим, янги кўникма ва янги ғоя беради.

Бундан ташқари, факультетнинг энг муҳим устунликларидан бири бу – талабалар учун йўлга қўйилган халқаро амалиёт дастурларидир. Талабалар дунёнинг етакчи илмий

марказлари, университетлари ва лабораторияларида амалиёт ўтаб, ўз билим ва кўникмаларини глобал даражада мустаҳкамлаш имконига эга бўлмоқда. Хориждаги амалиётлар жараёнида талабалар нафақат ўз соҳалари бўйича чуқур билим олади, балки илмий маданият, янги технологиялар, замонавий илмий ёндашувлар билан яқиндан танишадилар. Етакчи мутахассислар билан ишлаш, халқаро лойиҳаларда иштирок этиш, мустақил илмий изланишлар олиб бориш уларга катта тажриба бағишлайди. Бу жараён натижасида талабалар глобал илм-фан муҳитига мос профессионал мутахассис сифатида шаклланади ва қайтиб келгач, ўз амалий тажрибаларини маҳаллий илмий жараёнларга татбиқ этади.

Ҳозирги кунда Биотехнология ва экология факультетида 700 нафардан ортиқ талаба таҳсил олмоқда. Талабалар учун хорижда ҳам, юртимизнинг турли соҳа корхоналарида ҳам пуллик амалиёт дастурлари йўлга қўйилган бўлиб, бу уларга амалий билимларини мустаҳкамлаш билан бирга моддий қўллаб-қувватлаш имконини ҳам яратади. Ёшларнинг ҳар йили Республика ва Халқаро илмий-амалий танловлар, Олимпиадалар, Стартап лойиҳалар ва конференцияларда қўлга киритаётган ютуқлари факультет нуфузини янада оширмоқда. Уларнинг илмий ишлари

экология, биотехнология, биохавфсизлик, озиқ-овқат хавфсизлиги ва бошқа кўплаб йўналишларда амалий аҳамиятга эгадир.

Дарҳақиқат, ҳар бир ғолиблик ортида тинимсиз изланиш, илмга бўлган чексиз меҳр ва профессор-ўқитувчиларнинг меҳнати мужассам. Яна бир энг катта фахрлардан бири – битирувчиларнинг асосий қисми ўқишни тамомлагач иш билан таъминланишидир. Бу факультетда берилаётган таълим сифати, амалиётлар тизими, илмий салоҳият ва талабалар кўникмаларининг юқори даражада эканидан далолат беради. Битирувчилар республика ва халқаро миқёсдаги биотехнологик корхоналар, экология ташкилотлари, фармацевтика компаниялари, илмий-тадқиқот институтлари ва лабораторияларда муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Биотехнология ва экология факультети бугунги кунда илм-фаннинг энг илғор ютуқларига таяниб, келажак мутахассисларини тайёрлаш йўлида самарали фаолият юритмоқда. Замонавий лабораториялар, мустаҳкам назарий таянч, халқаро амалиётлар, иқтидорли талабалар ва малакали профессор-ўқитувчилар – буларнинг барчаси бугунги муваффақият ва эртанги кунга ишонч бағишлайди.

А. НУРНИЁЗОВ,
Самарқанд давлат
ветеринария медицинаси,
чорвачилик ва биотехнологиялар
университети доценти

Адиб ўғити


«ЙЎҚОТИЛАДИГАН НАРСАЛАРга умрингизни тикманг»


Ёлғон, ўткинчи нарсалар – бойлик, мол-мулк ва унвон-мансаблар ортидан қувманг: булар ўн йиллар давомида йўқотилган соғлигингиз, умрингиз ҳисобига ортирилади, аммо бир кечада мусодара қилиниши, олиб қўйилиши мумкин. Кулфатдан қўркманг ва бахтни кўпам интизор бўлиб кутманг. Барибир бир кам дунёда яшаймиз. Совқотмаётган, очлик ич-ичингизни тир-

намаётган бўлса шунинг ўзи етарли... Умurtқа суягингиз синмаган бўлса, икки оёқ, икки қўлингиз ишласа, кўзларингиз кўриб, қулоқларингиз эшитса – яна кимга ва нимага ҳасад қилишингиз мумкин? Бошқаларга ҳасад қилсак, энг аввало ўз-ўзимизни еб адои тамом қиламиз. Кўзингизни каттарок очинг, қалбингизни покланг ва ким сизни ўзига яқин олса ва яхши кўрса, ўшаларнинг

қадрига етинг. Уларни хафа қилманг, уришманг. Ҳеч ким билан жанжаллашиб, ажрашиб кетманг. Ахир айнан худди шу жанжал сизнинг бу ҳаётдаги энг охирги ишингиз бўлиши ва одамлар хотирасида бир умр шу тахлит қолишингиз мумкин.

**Александр
СОЛЖЕНИЦЫН,**
ёзувчи, Нобель мукофоти
лауреати





КАМСИТИШГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Касалликларни даволашдан кўра, унинг олдини олиш муҳим. Саломатликнинг асосий омилларидан бири тўғри овқатланишдир. Дастурхонимизга келадиган ҳар бир маҳсулот тана учун ёқилғи вазифасини бажаради. Аммо биз кўпинча овқат нафақат калория манбаи, балки дори ҳам эканлигини унутамиз.

Шунинг учун 1995-йилдан буён амал қилиб келган эски Меҳнат кодекси ўз даври учун етарли бўлса-да, бугунги шароитда соҳадаги реал эҳтиёжларни тўлиқ қамраб ололмай қолди. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси эса замонавий ижтимоий-иқтисодий ривожланиш талабларига мос, халқаро меҳнат стандартларига асосланган, инсон қадри ва меҳнат ҳуқуқларининг устуворлигини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни ўзида мужассам этади. Янги кодекснинг асосий ўзига хослиги — унда оддий меъёрлар эмас, балки меҳнат муносабатлари қандай тамойилларга таяниши кераклиги аниқ белгиланганлиги билан аҳамиятлидир. Принциплар меҳнат қонунчилигининг “пойдевори” ҳисобланади: улар ходим ва иш берувчининг ҳуқуқий мақомини, ўзаро муносабатларини, шартномаларини, мажбуриятларини, низоларини ҳал қилиш механизмларини белгилаб беради. Улар — қонун матнида кўринмайдиган, аммо барча меҳнат жараёнларини бошқариб турадиган асосий қоида ҳисобланади. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодексда мустаҳкамланган асосий принциплар энг батафсил, чуқур, тушунарли ва кенг таҳлил қилинган ҳолда баён этилган. Бундай қоидалардан бири тенглик ва камситишга йўл қўймаслик тамойилидир.

Меҳнат муносабатлари ҳар қандай камситишдан холи бўлиши керак. Тенглик тамойили — фақат маълум бир жамият гуруҳларини ҳимоя қилувчи мезон эмас, балки иш берувчилар учун қатъий ҳуқуқий мажбуриятдир. Янги кодексда камситишнинг ҳар қандай кўриниши тақиқланади ва агар ходим ўзини камситишган деб ҳисобласа, суд

орқали ҳаққини ҳимоя қилиши мумкин. Энг муҳими — судга мурожаат қилиш юкламаси ходимга эмас, балки иш берувчига юкланади. Бундан ташқари, тенглик принципи иш ҳақи, бонуслар, хизмат лавозимида кўтарилиш, малака ошириш, ижтимоий пакет ва меҳнат шароитларида ҳам таъминланиши шарт. Шунингдек, аёлларга нисбатан ҳомиладорлик ёки туғруқ таътилидан сўнг имкониятлар яратиш белгиланган. Янги Меҳнат кодексда мажбурий меҳнатнинг ҳар қандай кўриниши таъқиқланади. Мажбурий меҳнат — бу инсоннинг хоҳишига қарши, маъмурий ёки жисмоний босим билан бажариладиган иш. Мамлакатимизда сўнгги йилларда мажбурий меҳнат бўйича халқаро майдонда катта ислохотлар амалга оширилди ва ХМТ томонидан тўлиқ тан олинди. Янги кодекс бу йўналишни янада мустаҳкамлайди.

Янги кодексда “кўнгилли меҳнат” ва “мажбурий меҳнат” ўртасидаги фарқлаш аниқ белгиланган. Бундан ташқари, мажбурий меҳнатни ташкил этган шахслар нафақат жаримага тортилади, балки жиноий жавобгарликка ҳам тортилиши мумкин. Янги кодексда ходим — бу оддий меҳнат ресурси эмас, балки инсон сифатида эътироф этилади. Ходимга нисбатан ҳурматсизлик, қўполлик, босим, таҳдид, камситиш, маънавий тазйик, психологик зўравонлик каби ҳолатлар меҳнат интизоми қоидаларини бузиш деб эмас, балки ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланади. Ҳар бир ходимнинг ҳаёти ва соғлиғи давлат ҳимоясидадир. Шу боис янги кодексда меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси, гигиена, эргономи-

ка каби талаблар сезиларли даражада қатъийлаштирилган. Агар хавфли вазият юз берса, ходим ишни тўхтатишга ҳақли ва буни рад этгани учун жазолаб бўлмайди. Бу принцип ходимнинг барча ҳуқуқлари амалга ошиши учун реал механизмлар яратишни назарда тутди. Яъни ҳуқуқ фақат қоғозда эмас, балки амалда ишлаши керак. Янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига мослашган, замонавий ва инсон манфаатларини устувор қўйовчи ҳуқуқий тизим яратиш йўлидаги муҳим қадамдир. Кодекснинг асосий принциплари ходим ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларни янада адолатли, шаффоф ва барқарор қилишга хизмат қилади.

Энг аввало, меҳнат муносабатларида тенглик, камситилишга йўл қўймаслик, мажбурий меҳнатни қатъий таъқиқлаш каби тамойиллар инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиб, меҳнат бозорида соғлом ва рақобатбардош муҳитни шакллантиради. Кодексдаги принциплардан яна бири — меҳнат шартларининг ходим ҳолатини ёмонлаштирмаслиги — ходимни ҳимоя қилувчи муҳим кафолат бўлиб, иш берувчининг бир томонлама, ноҳолис қарорлар қабул қилишининг олдини олади.

Меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш тамойили эса ҳар бир фуқарога соғлом ва хавфсиз иш жойида фаолият юритиш ҳуқуқини кафолатлайди. Бу нафақат ходим саломатлигини сақлаш, балки ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишда ҳам муҳим омилдир.

Миллий меҳнат ҳуқуқида катта ўзгариш бўлган яна бир йўналиш — ижтимоий шериклик тамойили — давлат, иш берувчи ва ходим манфаатларининг уйғунлашувига хизмат қилади.

Раҳимхон БАҲРОМОВ,
Тошкент давлат юридик
университети талабаси

МУАССИСЛАР:

Экология ва иқлим
ўзгариши миллий
қўмитаси

Ўзбекистон
маҳаллалари
уюшмаси

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат
ташкилотлари миллий
ассоциацияси

Таҳрир хайъати:

Азиз АБДУҲАКИМОВ
Қаҳрамон ҚУРАНБОЕВ
Акмал САИДОВ
Қамолддин
ИШАНХОДЖАЕВ
Отабек ҲУСАНОВ

Бош муҳаррир
Мақсуд
ЖОНИХОНОВ

“Шарқ” нашриёт-матбаа
акциядорлик компанияси
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-1210
Адади: 1600
Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 3 босма табоқ.
Баҳоси келишилган нархда.

2024 йил 2 августда
Ўзбекистон Республикаси
Президенти ҳузуридаги
Ахборот ва оммавий
коммуникациялар агентлиги
томонидан 0010-рақам билан
рўйхатдан ўтказилган.
ISSN 2010-7722

Боғланиш учун
телефонлар:
99-994-70-52
98-111-48-29
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ” дан олинган
маълумотларда манба
сифатида газета номи
кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

МУАММОЛАР, ТАКЛИФЛАР ВА ЯНГИ ИМКОНИАТЛАР

Қорақалпоғистон Республикаси Нукус шаҳридаги Ёшлар марказида “Микрокредитбанк” АТБ ташаббуси билан “Раҳбар ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди.



МКВАНК

Очиқ мулоқотда банк Бошқарув раиси ўринбосари в.в.б У. Жуманиёзов, ёшлар ва аёлларни тадбиркорликка жалб қилиш бошқармаси бошлиғи М.Ражапов ҳамда “Ёшлар-кељагагимиз” жамғармаси Қорақалпоғистон филиали раҳбари в.в.б. Ж.Алламуратов ёш тадбиркорлар,

махалла ёшлари, битирувчилар ва фаол ёшлар билан суҳбатлашди.

Учрашувда банк хизматлари, имтиёзли кредитлар, тадбиркорликни бошлаш бўйича амалий тавсиялар, молиявий саводхонлик ва бандлик масалалари муҳокама қилинди. Шунингдек,



коррупция профилактикаси бўйича ҳам очиқ савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Йиғилиш давомида Президентимизнинг ёшлар учун қаратилган ПҚ-60 ва ПФ-61-сонли қарор ҳамда фармонлари юзасидан ҳам тушунтиришлар берилди. Улар доирасида стартаплар учун

грантлар, фойсиз кредитлар, солик имтиёзлари, ўқиш ва малака ошириш учун қўшимча дастурлар каби имкониятлар тарғиб қилинди.

МКВАНК ёшларга эътиборни, ташаббусларни доим қўллаб-қувватлайди.

Банк Ахборот хизмати



БИР МАҚСАД ЙЎЛИДА БИРЛАШАЁТГАН ДУНЁ



Тарихга назар солсак, 2003 йил 9 декабрда Мексиканинг Мерида шаҳрида БМТ ташаббуси билан ўтказилган халқаро конференцияда 100 дан ортиқ давлат “Коррупцияга қарши халқаро конвенция”ни имзолаб, глобал миқёсда бирлашган ҳолда ҳаракат қилишга келишиб олган. Коррупция тақдири бир дав-

лат муаммоси эмас, балки бутун дунё хавфсизлиги ва барқарор ривожланиши билан боғлиқ масала.

Шу конференциянинг биринчи куни Халқаро коррупцияга қарши кураш куни сифатида эълон қилинди. 2004 йилдан буён дунё мамлакатлари ушбу санани жамоатчиликни хабардор қилиш, муҳокама маданиятини кучайтириш ва соҳага доир чора-тадбирларни тизимлилаштириш мақсадида нишонлаб келмоқда.

Резолюцияда таъкидланишича, бу куннинг асосий мақсади коррупциянинг туб моҳиятини чуқур англаш, уни олдини олиш

чораларини мустаҳкамлаш ва барча даражада қатъий курашишдир.

Ўзбекистонда ҳам коррупцияга қарши курашиш давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланган. Сўнгги йилларда барча соҳаларда очиқлик, шаффофлик, ҳисобдорлик таъминланиши кучайтириш, бюрократик тўсиқларни қисқартириш, “яширин иқтисодиёт”га чек қўйиш бўйича кенг кўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Давлат ва жамият ҳаётида рақамлаштириш жараёнлари тезлашиб, хизматларни элек-

трон шаклга ўтказиш коррупциявий омилларни камайтиришда муҳим воситага айланди. Энг муҳими, коррупция билан кураш фақат давлат муассасалари ёки алоҳида идоралар вазифаси эмас. Бу ҳар бир фуқаронинг фуқаролик бурчидир.

Агар ҳар биримиз қонунларга риоя қилсак, шаффофликни талаб қилсак ва ҳуқуқий маданиятимизни оширсак, жамиятни ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бўламыз.

Баҳодир ҚИРҒИЗОВ,
“Микрокредитбанк”

акциядорлик тижорат банки
Коррупцияга қарши назорат
департаменти директори